Бу арча тури денгиз сатҳидан 1200-2700 метр баландликдаги тошлоқ грунтли тоғларда ўсади. Туркумдаги бошқа арча турларига нисбатан кам маданийлаштирилган. Финландияда устунсимон ёки шунга ўхшаш шакллари ўзини яхши ҳис қилиши билан ажралиб туради ва ўстирилади. Уларнинг совуққа чидамлилиги ҳали яхши ўрганилмаган Финландияда жуда кенг тарқалган кўриниш жиҳатдан "Sky rocket", *Juniperus virginiana* "Sky rocket" номи билан ҳам машхур.

Виргин арчасига яқин новдалари ингичкароқ қаттиқ эмас, аниқ кўринмайдиган тўрт қиррали. Кариотип $2n = 22$.

Juniperus scopolorum, баъзи минтақаларда *Juniperus virginiana* ва *Juniperus horizontal* билан гибридланади. Америка селекционер олимларининг



машаққатли меҳнатлари эвазига боғбонлар ўртасида машхурдир. Унинг куйидаги навлари энг кўп фойдаланилади:

'**Skyrocket**'. Кенг тарқалган ингичка устунсимон шакл ҳисобланади. Шохлари йўғон. Нозик куртаклар юқорига бир-бирига зич ёпишган ҳолатда вертикал равишда кўтарилади. Асосан игнабарглари қипиксимон, кумушсимон кўк-яшил. 10 ёшли бўлганда 2,5 м баландлик, шох-шаббасининг калинлиги 0,3 м гача бўлган кўрсаткични ташкил этади. Якуний баландлиги 6 м атрофида. Куртакларни нобуд қилувчи замбуруғли касаликларга таъсирчан ҳисобланади. Зарарланган куртакларни кесиб олиб ёқиб ташлаш керак.

'**Blue Angel**' Ингичка устунсимон шакл 'Skyrocket' навига ўхшаш, лекин игнабарглари кўкиш-кумушроқ рангда.

'**Blue Angel**' (syn.: *Juniperus virginiana* 'Blue Arrow'). Ингичка устунсимон шаклли. Баландлиги 1,5-2,5 м, тана диаметри 0,1-0,5 м. Қулай шароитда 10 ёшли бўлганда 3 м баландликка эга бўлади. Игнабарглари нинасимон ва қипикли, кўк-яшил кумушранг тусли. Бу шакл AGM (Royal Horticultural Society) совринини олган. 'Skyrocket' шаклидан фарқи унинг шохлари қисқароқ бўлиб, калин қор остида эгилиб қолмайди. Игнабаргларга текканда ўзига хос ҳид таратади.

'**Colorado Green**' (syn.: 'Cologreen') Яшил игнабаргли пирамидал шакл. 10 ёшлигида 3 м баландлик ҳамда 1 м гача диаметрни эгаллайди.

'**Moffat Blue**' (syn.: 'Moffettii'). Кенг пирамидасимон зич шох-шаббали. Игнабарглари кўк-яшил. 10 ёшли бўлганда 3 м баландликка 1 м энликка эга бўлади. Максимал кўрсаткичи: 6×1,3 м. Нам иқлим минтақали шароитга тавсия этилмайди. Совуққа ўртача чидамли.

'**Moonglow Variegated**'. Шакли конуссимон. Баландлиги 3 м дан 5 метргача. Игнабарглари турли хил мовий-яшил-кулранг тусли. Совуққа чидамли эмас.

Қоя арчаси ни кўпайтириш ёш илдиз бачкилари, қаламча ёки пайвандлаш йўли билан амалга оширилади. Қаламчалар баҳорда тайёрланади. Бунинг учун ярим ёғоч юқори шохлардан тайёрланади. Айнан олинган ярим ёғочли



каламчада куртак ўси чиқиши лозим. Иссиқ хонада илдиз оттирилади. илдиз отганда сўнг уни тажриба майдонига ўтказилади. Қаламча олинган ўсимликнинг шакли ва ёшига қараб илдиз отиши 1,5-6 ойни ўз ичига олади. 3-6 ёшгача кўчатзорнинг парваришlash бўлимида ўстирилади.

Илдиз бачкисидан кўпайтиришда фақат осилиб ўсувчи шакли тўғри келади. Шохнинг ёғочлик қавати нинабарглардан тозалаймиз ва олдиндан тайёрланган чуқурликдаги тупроққа муштахкамланади. 6-12 ойдан сўнг улар бутунлай илдиз билан қопланади. Илдиз отган бачкиларни она бутадан ажратиб, қоронғуоқ тажриба майдончасига ўрқазилади.

ГЕНОТИП СПОРТСМЕНА И ЕГО ВЗАИМОСВЯЗЬ ПОВЕДЕНЧЕСКИМ КОМПОНЕНТОМ МОДЕЛИ ЛИЧНОСТИ

Мавлянов И.Р., Юлчиев С.Т.

Республиканский научно-практический центр спортивной медицины
100027, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Алмазар, 6
rnpssm@gmail.com

Цель исследования: Изучение частоты распределения генотипов гена α -актиниона (ACTN3) у футболистов и их взаимосвязи с типами темперамента.

Материалы и методы исследования. RR, XX и RX генотипы гена ACTN3 изучали у 186 спортсменов-футболистов клубов страны. Выделение ДНК из цельной крови осуществлялось общепринятой методикой и генотипирование образцов ДНК по изучаемым генам проводили методом ПЦР в режиме реального времени.

Для оценки поведенческого компонента модели личности 732 футболиста использован «Личностный опросник Г. Айзенка (EPI)». С помощью этого опросника была оценена темперамент футболиста. Оценку результатов проводили с использованием соответствующих «ключей».

Полученные результаты. Результаты проведенных исследований показали, что у 25,4% футболистов выявлен темперамент сангвиника, у 35,8% футболистов - темперамент холерика, у 18,3% - темперамент флегматика и 20,5% - темперамент меланхолика.



Спортсмены, которым были проведены генетические исследования были разделены на 3 группы по их принадлежности генотипу RR (скоростно-силовые качества), XX (выносливость) и RX (гетерозиготный по скоростно-силовым качествам и выносливости) гена ACTN3. В этих группах по отдельности были изучены частота встречаемости типов темперамента. Выявлено, что у футболистов с генотипом RR, в отличие от футболистов с генотипом XX, преобладает удельный вес сангвиников (почти у половины спортсменов с данным генотипом). В то же время у футболистов с генотипом XX почти одинаково часто встречается все типы темперамента, хотя отмечается некоторая тенденция к преобладанию среди футболистов с наличием данного генотипа сангвиников и меланхоликов. А у футболистов с генотипом RX, наоборот, имеется тенденция к преобладанию удельного веса холериков и флегматиков.

Заключение. Среди футболистов со скоростно-силовыми качествами преобладают сангвиники, а с высокой выносливостью одинаково часто встречаются холерики, сангвиники, флегматики и меланхолики. Если «портрет» сангвиника характеризуется такими качествами как общительность, открытость, разговорчивость, доступность, лидерство и др., то вполне очевидно, что спортсмены, обладающие скоростно-силовыми качествами по темпераменту должны относиться сангвиникам или близкому по качествам холерикам. Это предположение подтверждается и тем, что среди нами обследованных футболистов с наличием скоростно-силового генотипа удельный вес холериков и сангвиников в 1,5 раза выше, чем удельный вес флегматиков и меланхоликов. В то же время среди футболистов с наличием генотипа выносливости указанные типы темперамента встречается одинаково часто.



СПОРТИВНЫЕ ГЕНЫ У ФУТБОЛИСТОВ И ИХ ВЗАИМОСВЯЗЬ С ПОКАЗАТЕЛЯМИ ФУНКЦИИ ВНЕШНЕГО ДЫХАНИЯ

Мавлянов И.Р., Махмудов Д.Э.

Республиканский научно-практический центр спортивной медицины
100027, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Алмазар, 6
rnpssm@gmail.com

Цель исследования: Изучение частоты встречаемости генотипных вариантов спортивных генов (ACTN3, AMPD1 и Hif 1-a) у футболистов и анализ их ассоциации с показателями функции внешнего дыхания (ФВД).

Материалы и методы исследования. Спортивные гены, в частности α -актинин-3 (ACTN3-ген ответственный за сокращения быстрых мышечных волокон), аденозин монофосфат дезаминаза-1 (AMPD1- ген, кодирующий фермент аденозин монофосфат дезаминазу) и ген, индуцируемый гипоксией (Hif 1-a) и показатели функции внешнего дыхания (ФВД) изучали у 166 спортсменов-футболистов клубов страны. Выделение ДНК из цельной крови осуществлялось общепринятой методикой и генотипирование образцов ДНК по изучаемым генам проводили методом ПЦР в режиме реального времени. ФВД изучали у спортсменов в покое на приборе спирометр “BTL-08 Sprugo”. В качестве показателей функции внешнего дыхания использовали форсированный жизненный емкость легких (ФЖЕЛ), объем форсированного выдоха за 1 секунду (ОФВ1), форсированный экспираторный поток при 75%, 50% и 25% жизненной емкости легких (МОС75, МОС50, МОС25), жизненный емкость легких (ЖЕЛ), жизненный емкость легких на вдохе и выдохе (ERV, IVC), максимальная вентиляция легких (МВЛ).

Полученные результаты. Проведенные исследования показали, что среди обследованных футболистов у 17,5% имело место RR, XX и RX генотипы гена ACTN3 встречались, соответственно 17,5%, 37,3% и 45,2% случаев. Выявлено, что среди футболистов с RR генотипом (скоростно-силовые качества) гена ACTN3, по сравнению с XX генотипом (выносливость)



имело место более высокие значения параметров ФВД как ФЖЕЛ, МОС ср, ERV и IVC.

Среди обследованных футболистов СС и СТ генотипы встречались, соответственно 82,3% и 17,7% случаев. Причем среди спортсменов с СС генотипом гена AMPD1 наблюдалось сравнительно высокие значения таких параметров как МОС ср, ERV, IVC и МВЛ.

Частота встречаемости СС, ТТ и СТ генотипов гена Hif 1- α имело место, соответственно у 63,6%, 26,5% и 9,9% футболистов. При этом установлено, что у футболистов с СС генотипом, по сравнению с другими генотипными вариантами гена Hif 1- α , значения таких показателей ФВД как МОС50, МОС25, ЖЕЛ, ERV, IVC и МВЛ было сравнительно выше.

Заключение. У футболистов сравнительно реже встречается генотип гена ACTN3 ответственный за скоростно-силовые качества спортсмена, чем за выносливость. В то же время ген AMPD1 преимущественно представлен генотипом ответственный за адекватное энергообеспечение в мышцах. А ген Hif 1- α 2/3 случаях представлен СС генотипом и в 1/4 случаях ТТ генотипом, что указывает на преобладания процессов анаэробного окисления. Между «сильными» генотипами изучаемых генов и такими параметрами ФВД как МОС, ERV, IVC существует прямая зависимость.

ЎЗНИНГ CS-V17 ЛИНИЯСИ ИШТИРОКИДА ЯРАТИЛГАН РИЛ ПОПУЛЯЦИЯСИДА ТОЛА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Макамов А.Х., Воҳидов С.Т., Баратов Н.Б., Қўйсина Ю.М., Холмурадова М.М.,
Дуланазаров А.А., Бойқобилов У.А., Буриев З.Т., Абдурахмонов И.Ю.

ЎзР ФА, Геномика ва биоинформатика маркази
111215, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вил., Қибрай тум., Университет кўч., 2 уй.
amakamov@gmail.com

Ўтган бир неча ўн йиллар давомида ўрта толали ғўза навларида тола сифатини яхшилаш ингичка толали ғўза турлари ёрдамида амалга оширилган. Ушбу икки тур ўртасида турлараро дурагайлаш орқали тола сифатини



яхшилаш узок вақт ва кўп ишчи кучини талаб этади. Ўзида ингичка толали ғўза турини бир жуфт хромосомаси ёки унинг жуфт бўлакларини тутган хромосомаси алмаштирилган линиялар ўрта толали ғўза навларида тола сифатини яхшилашда долзарб генетик материаллар ҳисобланади.

Ўзанинг хромосомаси алмаштирилган линиялари (CS-B) ТМ-1 линиянинг (*G. hirsutum* L.) моносомик формалари асосида яратилган бўлиб, ўзида ингичка толали 3-79 ғўза линиянинг (*G. barbadense* L. тури) бир жуфт хромосомаси ёки унинг жуфт бўлакларига эга ҳисобланади. Шунинг учун CS-B линиялар бир-бирига 96 фоиз ўхшаш, изоген линиялар ҳисобланиб, фақатгина алмаштирилган хромосома ёки унинг бўлаклари билан фарқланади. CS-B линиялар ингичка толали ғўзанинг алоҳида хромосомалари ва унда жойлашган генларни морфобиологик белгилар ўзгаришига таъсирини ўрганишда муҳим ҳисобланади. CS-B линиялар алмаштирилган хромосомалар таъсирида ўзининг бошланғич манбаси бўлган ТМ-1 линиядан сифат ва миқдорий белгилари бўйича фарқланади. Хусусан, 17-хромосомаси алмаштирилган CS-B17 линияда тола микронеири (толанинг майинлиги ва пишиб етилганлик даражаси) ва унинг чўзилувчанлик кўрсаткичлари ингичка толали 3-79 ғўза линиясига яқин бўлиб, ТМ-1 линиядан кескин фарқ қилади. Ушбу ижобий хусусиятларни инобатга олиб, мазкур линия билан маҳаллий Ан-Боявут-2 ғўза навини дурагайлаб, тола сифати бўйича кенг сегрегацияланувчи рекомбинант инбред линиялар (РИЛ) популяцияси яратилди. Мазкур мақолада РИЛ популяцияси билан унинг ота-она генотиплари ҳамда назорат линиялари ўртасида тола микронеири ва чўзилувчанлик кўрсаткичларини қийсий таҳлил қилиш мақсад қилинган.

Тадқиқот тажрибасида РИЛ популяциянинг 50та линияси, ота-она ва назорат линиялар иштирок этиб, улар уч метрли алоҳида кўчатзорларда ўрганилди. Толанинг сифат параметрлари тола сифатини сертификатлаш “СИФАТ” марказида анализ қилинди. Унга кўра, CS-B17 линияда тола микронеири 4.4 ва чўзилувчанлиги 8.6%, маҳаллий Ан-Боявут-2 ғўза навида 4.8 ва 7.5% бўлса, РИЛ популяцияда эса ушбу белгилар ўртача 4.6 ва 8.3%га



тенг бўлди. Шунингдек, назорат ўрта толали ТМ-1 ғўза линиясида тола микронейри ва чўзилувчанлиги белгилари 5.1 ва 7.8% кўрсаткичга эга бўлса, ингичка толали 3-79 ғўза линиясида 4.3 ва 9.1% кўрсаткични намоён этди. Ушбу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, CS-B17 линиянинг ингичка толали ғўза туридан алмаштирилган 17-хромосомаси РИЛ популяциянинг умумий ўртача тола микронейри ва тола чўзилувчанлигига ижобий таъсир этган бўлиб, популяциянинг 42% линияларида тола микронейри ўртача 4.3га ва 66% линияларда эса тола чўзилувчанлиги 8.1% тенг бўлди. Популяциянинг тола микронейри ва чўзилувчанлиги бўйича олинган ўртача кўрсаткичлари реципиент Ан-Боявут-2 ғўза навига нисбатан белгиларга мувофиқ тарзда 4 ва 8% га яхшиланганлиги кузатилди. Мазкур натижа CS-B17 линияда тола сифатига алоқадор фойдали генларни мавжуд эканлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида хромосомаси алмаштирилган CS-B17 линия РИЛ популяция генотипларида ўрганилган тола сифати белгиларини яхшилланишига ижобий таъсир этган.

ҒЎЗАНИНГ МУРАККАБ ТУРЛАРАРО ЧАТИШТИРИБ ОЛИНГАН ДУРАГАЙЛАРИДА АЙРИМ ЦИТОГЕНЕТИК ТАҲЛИЛЛАР.

Матякубов С.К.¹, Санамян М.Ф.², Намазов Ш.Э.¹, Бобохужаев Ш.У.²

¹Пахта селекцияси уруғчилиги етиштириш ва агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, Кибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй.
suxrob_qsxv@mail.ru

²Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

Маълумки, бугунги кунда жахон пахта толасини ишлаб чиқаришнинг 90% *Gossypium hirsutum* L., га турига тегишли. Атроф мухитнинг ўзгарувчанлиги, патогенларнинг янги турлари пайдо бўлиши, шунингдек пахта сифатига бўлган талаблар билан бир қаторда янги иқтисодий самарадорли юқори бўлган навларни яратишга кўзда тутилмоқда. Ҳашоротлар тамонидан яъни касалликларни пайдо бўлиши шунингдек Ўзбекистон шароитида эколагик ахволнинг ёмонлашуви, аввало ғўза ўсимликининг янги



касалликларга ва зараркурандаларга чидамли, ноқулай шароитларга чидамлиги билан ҳосилдор ва тола сифати яхши навларни Ўзбекистоннинг иқлимий шароитларига мос вакиллари таълаб этади [Намазов Ш.Э. 2014]. Шунга кўра, кенг тармоқли изланишларга асосан маданий ва ёввойи вакилларда дурагайлаш ва генетик ўзгарувчанликни ўрганиш олиб борилмоқда [Абдуллаев А.А. 1966]. Маълумки *Gossypium* L., авлоди кўп турларни ўз ичига олади, 8та геном гуруҳига бўлингани ҳолда диплоид турлар (А дан Г гача ва К) ($2n=26$) ва бошқа тетраплоид турлар (AD) ($4n=52$) уларнинг ўзи беш турдан иборат [Абдуллаев А.А. 1974].

Маълумки, турлараро мураккаб дурагайлашда қийин чатишувчанлик, олинган дурагайларнинг чигитларини тўла етилмаганлиги, авлодларида пуштсизлик аломатларини пайдо бўлиш сабаблари қаторига чанг доначаларини ўлчам ва сифатларининг кескин ўзгарувчанлиги ҳам қиради. Шунга эътиборан, чанг доначаларининг сифати ва ҳаётчанлиги дурагай ўсимликларининг пуштсизлик ва маҳсулдорлигини аниқловчи энг муҳим омиллардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган [Арутюнова Л.Г. 1960; Абдуллаев А.А. 1978; 1987]. Келтирилган маълумотларда турлараро дурагайларнинг чанг доначалари наслий ва функционаллик белгилари билан мос бўлмаганлиги учун мейоз жараёнида турли нуқсонлар пайдо бўлиши оқибатида чанг доначалари етилмасдан қолиб, ҳосил бўлган муртаклар тўкилиб кетиши аниқланган [Арутюнова Л.Г. 1970; Лазарева О.Н. 1976; 1979].

Ҳозирги кунда Пахта селекцияси уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида турли ҳилдаги навлар ва тизмаларни чатиштириш натижасида олинган дурагайлар устида ЎзМУ илмий ходимлари билан ҳамкорликда цитогенетик тадқиқотларни олиб борилди. Ёўзанинг бошланғич шакиллари 19 та нав ва тизимлар ҳамда улардан олинган 17 та F_1 дурагайларида ацетокармин ёрдамида чанг доналарни бўйлиши натижасида чангчиларнинг пуштлиги таҳлили ўтказилди. Ёўзанининг 2 та F_1 дурагай варианты ўсимликларида чангчиларнинг пуштилиги пастлиги



аниқланди. Қолган 15 та тажриба варианты ўсимликларида чангчиларнинг пуштлийлиги юқорилиги кўзатилди.

Биринчи авлод дурагайларида 15 та дурагай авлодда юқори пуштлилик даражаси аниқланиб ($90,80 \pm 0,77\%$ дан $97,40 \pm 0,44\%$ гача), иккита дурагай авлодда $F_1(F_{16}$ К-58 тип арб х Султон) ва $F_1(Л-588$ х Султон) пуштлилик даражаси пастлиги билан ажралиб турди ($80,47 \pm 1,27\%$ дан $89,24 \pm 1,06\%$ гача). Лекин юқори пуштлилик даражасига ега бўлган биринчи авлод дурагайлари стандарт билан (С-6524) таққосланганда стандартга нисбатан фақат учта дурагай камбинацияларда яхши кўрсаткичлар кузатилди. Жумладан С-6524 ни пуштлилик даражаси ($96,78 \pm 0,51\%$) ташкил этган бўлса, ушбу дурагайларда $F_1(Л-95$ х Султон), $F_1(Л-95$ х Султон) ва $F_1(Л-200$ х Султон) пуштлилик даражасига юқорилиги кузатилди (дан $96,84 \pm 0,51\%$, гача $97,40 \pm 0,44\%$).

Шундай қилиб, биринчи авлод дурагайларнинг цитогенетик тадқиқотлар натижасида айрим дурагайларда пушлиги пастлиги кузатилди бу шундан далолат берадики бошланғич ота-оналарнинг келиб чиқишида турли ёввойи турлар катнашганлиги таъсирини кўриш мумкин.

“ПОРЛОҚ-3” ҒЎЗА НАВИ УРУҒЧИЛИГИДА ХЎЖАЛИК ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИНИНГ ВАРИАЦИОН ТАҲЛИЛИ

Мирзоёкубов К.Э., Маманазаров Ш.И., Муҳаммадов Й.А., Норбобоева Р.Б.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази.
111215, Ўзбекистон, Тошкент вилояти, Кибрай т-н., Университет кўчаси, 2 уй.
norboboeva2015@mail.ru

Ғўзанинг тезпишар, серҳосил, тола чиқими ва сифати юқори, касалиллик ва зараркунандаларга, шўрга, сувсизликка чидамли, морфологик жихатдан бир хил бўлган янги навларни яратиш, сифатли уруғлик материалларини танлаб олиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш селекционер олимлар олдида турган муҳим масалалардан биридир. Уруғчилик деганда юқори сифатли уруғлик яратишда амалга ошириладиган тадбирлар тушунилади. Уруғ эса қишлоқ



хўжалиги ишлаб чиқаришида энг муҳим хусусиятлардан биридир. Ғўза ҳосилдорлиги ва унинг сифати кўп жиҳатдан нав ва экиладиган уруғларнинг сифатига боғлиқ. Уруғчиликда бошланғич махсус тадбирлар қатъий туриб амалга оширилгандагина юқори сифатли навдор уруғлар етиштириш мумкин.

Ишлаб чиқаришда навнинг морфологик жиҳатдан бир хил, навдорлиги ва қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган элита уруғлигини тайёрлаш кўп меҳнат талаб қилади. Ғўза ўсимликларининг битта кўсақда очилган пахта оғирлиги ва унинг асосини ташкил этувчи чигитлар вазни навнинг ҳосилдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлар жумласида киради. Шунинг учун ғўза навларини ҳосилдорлиги, бир туп ўсимликдаги ўртача очилган кўсақлар сони, оғирлиги ва улардаги чигитларнинг вазни билан белгиланади. Навнинг элита ўсимликлари уруғ кўпайтириш кўчатзорида битта кўсақда очилган пахта оғирлиги вариацияси қонуниятларини кенгроқ ўрганиш учун Б.А.Доспеховнинг Дала тажрибалари услубиятида таклиф этилган катта танлам асосида битта кўсақда очилган пахта оғирлигининг статистик вариацион таҳлили амалга оширилди. Битта кўсақда очилган пахта оғирлиги бўйича кузатувлар натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, Геномика ва биоинформатика маркази илмий тадқиқотчилари томонидан “ген-нокаут” усули ёрдамида яратилган “Порлоқ-3” ғўза нави биринчи йил уруғ кўпайтириш кўчатзорида морфо-биологик белгиларига мос келувчи, соғлом оилалардан 78 та намуналар танланди ва тўлиқ пишиб етилган чанокдаги пахталари териб олинди. Териб олинган намуналар лаборатория шароитида сараланиб, чигитининг туклилиги, ранги ва шакли бўйича навнинг морфо-биологик навдорлик белгиларига мос келмаган намуналар яроқсиз деб топилди. Натижада, 78 та намунада 74 тасида битта кўсақда очилган пахта оғирлиги статистик вариацион таҳлил қилинди. Олинган статистик вариацион таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, битта кўсақда очилган пахта оғирлиги бўйича 74 та намуна, 6 та вариацион синфни ташкил этди (1-жадвал). 1-жадвал

“Порлоқ-3” ғўза навининг битта кўсақда очилган пахта оғирлиги вариацияси



№	Синфлар	1	2	3	4	5	6
1	Синфлар чегараси, г.	4.3- 4.7	4.8- 5.2	5.3-5.7	5.8-6.2	6.3- 6.7	6.8-7.2
2	Синфлар ўртачаси, г.	4.5	5.0	5.5	6.0	6.5	7.0
3	Намуналар сони, дона	6	24	25	12	6	1

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, битта чанокдаги пахта оғирлиги бўйича учраш эҳтимоли энг кўп бўлган намуналарнинг ўртача қиймати 5,3 г. ва 5,4 г. вазнга эга бўлди. Чунки вариацион таҳлил натижаси 95% кузатиш эҳтимолида умумий ўртача интервали $5,3 \pm 5,4$ г. оралиғида эканлиги аниқланди. Бунда, намуналар ўртачасининг абсолют хатоси 0,06 г. ни, нисбий хатоси 1,1% ни, чанок вазнидаги тафовут (вариация) коэффиценти 10% ни ташкил этди. “Порлоқ-3” ғўза навининг биринчи йил уруғ кўпайтириш кўчатзори ўсимликликларида битта кўсакда очилган пахта оғирлиги бўйича аҳамиятли ўзгарувчанликлар мавжуд. “Порлоқ-3” ғўза нави уруғларини кўпайтиришда навнинг ҳосилдорлик бўйича барқарорлигини сақлаш ҳамда уруғчилиги самарадорлигини оширишда бир дона чанокдаги пахта оғирлиги 5,3-5,4 граммга эга намуналардаги чигитларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

ҒЎЗАНИНГ 14-ХРОМОСОМАСИГА (CS-B14SH) ХОС БЎЛГАН РИЛ ПОПУЛЯЦИЯСИДА АГРОНОМИК КЎРСАТКИЧЛАРНИ БАҲОЛАШ

Муҳаммадов Й.А., Маманазаров Ш.И., Мирзаёқубов К.Э., Макамов А.Х., Тураев О.С., Хусенов Н.Н., Буриев З.Т., Абдурахмонов И.Ю.

Ўз Р ФА Геномика ва биоинформатика маркази
111215, Ўзбекистон республикаси, Тошкент вил., Қибрай тум., Университет к. 2-уй
yuldoshbekmukhammadov@mail.ru

Ғўза, асосан толаси учун етиштириладиган экин ҳисобланади. Шу сабабли, тола сифати ва ҳосилдорлиги юқори бўлган ғўза навларини яратиш олимлар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.



Бугунги кунга келиб, анъанавий ғўза селекцияси жараёнларига молекуляр биологиянинг замонавий воситалари хусусан, ДНК-маркерлар технологиясини (маркерларга асосланган селекция - МАС) қўллаш, вақт ва ҳаражатларни сезиларли даражада қисқартириш имконини бермоқда. МАС дастурини амалга ошириш учун энг аввало, қимматли хўжалик белгиларга генетик бириккан ДНК-маркерларини идентификация қилиш лозим. Бунинг учун кенг генетик хилма-хилликка эга бўлган хариталаштириладиган популяциялар зарурдир. Мазкур мақолада ўзида ингичка толали ғўза (*G.barbadense*) турининг 14-хромосома кичик жуфт елкаларини тутган хромосомаси алмаштирилган CS-B14sh линия ва маҳаллий Ан-Боявут-2 нави ҳамда улар иштирокида яратилган рекомбинант инбред линиялар (РИЛ) популяцияси тадқиқот объекти сифатида олинди. Тадқиқотнинг мақсади ғўзанинг РИЛ популяциясида агрономик белгиларни (бир дона кўсакдаги пахтанинг оғирлиги, толанинг штапель узунлиги, тола чиқими, тола индекси ва 1000 дона чигит оғирлиги) ота-она генотиплари билан қиёсий баҳолашдан иборат.

Пима ғўзанинг 14-хромосомасига хос бўлган РИЛ популяцияси хромосомаси алмаштирилган CS-B14sh линия билан маҳаллий Ан-Боявут-2 ғўза навини дурагайлашидан олинган ҳар бир иккинчи авлод ўсимликларни олтинчи авлодга қадар ягона аждод уруғдан келиб чиқиш усули асосида ўз-ўзига чанглантириш йўли билан яратилган. РИЛ популяциянинг ҳар бир индивидларида ингичка толали ғўза 3-79 линиясидан алмаштирилган 14-хромосоманинг кичик елкаси маҳаллий навнинг тегишли хромосомаси билан бир нечта авлод давомида рекомбинацияланиши натижасида гомозиготалашган шаклга келган. Популяция индивидларининг ушбу хусусияти уларда морфологик, агрономик ва тола сифати белгиларини хилма-хил бўлишини таъминлайди.

Мазкур РИЛ популяцияси 50та линиядан иборат бўлиб, ҳар бир линия ва ота-она генотипларининг уруғлари аоҳида уч метрли кўчатзорларга экиб, ўргинилда ҳамда ушбу тадқиқот объектларида агрономик белгиларни ўрганиш учун уларнинг ҳар биридан 50 дона кўсакдаги пахта ҳосили йиғиб олинди.



Йиғиб олинган пахта намуналарида бир дона кўсақдаги пахтанинг оғирлиги, толанинг штапель узунлиги, тола чиқими, тола индекси ва 1000 дона чигит оғирлиги каби агрономик белгилари баҳоланди.

Таҳлил натижасига кўра, РИЛ популяцияси ҳамда уларнинг ота-она намуналари Ан-Боявут-2 нави ҳамда CS-B14sh линиясида бир дона кўсақдаги пахтанинг вазни мос равишда 5,8, 6,4 ва 4,4 граммни ташкил этди. Ушбу белги бўйича РИЛ популяциясида кенг хилма-хиллик кузатилиб, 4,2 граммдан 7,7 граммгача бўлган ўзгарувчанликни ташкил этди. Бироқ, РИЛ популяциянинг ўнга яқин РИЛларида бир дона кўсақдаги пахтанинг оғирлиги ўртача 7,0 граммни ташкил этган. Шунингдек, РИЛ популяциясида 1000 та чигит вазнининг ўртача кўрсаткичи 122 граммни ташкил этиб, ота-она намуналари Ан-Боявут-2 нави (109 гр) ва CS-B14sh линия (114 гр) кўрсаткичларидан юқори бўлган. Бундан ташқари, РИЛ популяциясида тола чиқими белгисининг ўртача 34%га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич CS-B14sh линиянинг тола чиқими кўрсаткичидан юқори ва Ан-Боявут-2 навини тегишли белгисига (34.9%) яқин бўлди. Шу билан бирга, РИЛ популяция генотиплари орасида тола чиқими кўрсаткичи 38-41%га тенг бўлган ва ота-она намуналарига нисбатан сезиларли даражада яхшиланган линиялар ҳам мавжуд. Толанинг штапель узунлиги белгиси бўйича ҳам РИЛ популяциясида кенг хилма-хиллик кузатилиб, 34,2 дан 38,2 миллиметргача бўлган вариацияни намоён этди. РИЛ популяциясида ўртача 35,4 мм.га тенг бўлган толанинг штапель узунлиги кўрсаткичи реципиент Ан-Боявут-2 навининг тола узунлиги (29.8 мм) кўрсаткичига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлиб, популяцияни яратилишида оталик шакли сифатида фойдаланилган CS-B14sh линиясининг тола узунлигига яқинлашган. Хусусан, РИЛ популяциянинг L-13 ва L-40 линияларида битта кўсақдаги пахта вазни, 1000 та чигит вазни ва толанинг штапель узунлиги кўрсаткичлари юқори бўлган бўлса, L-03, L-04, L-12, L-21 ва L-43 линияларда тола чиқими ҳамда L-06, L-17, L-18, L-23 ва L-26 линияларда 1000 та чигит вазни ота-она ҳамда популяциянинг бошқа генотипларига нисбатан энг юқори кўрсаткичларни намоён этган.



Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, РИЛ популяциясида ўрганилган бир нечта агрономик белгиларнинг ўртача кўрсаткичлари 14-хромосомаси алмаштирилган CS-B14sh линияга нисбатан яхшиланган. Агрономик белгилари такомиллашган линиялар келажакда янги ғўза навларини яратишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

РОЛЬ МОЛЕКУЛЯРНО-ГЕНЕТИЧЕСКИХ МЕТОДОВ В ПОСТРОЕНИИ ФИЛОГЕНЕТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ ЭВКАРИОТНЫХ ОРГАНИЗМОВ

Мирабдуллаев И.М.¹, Абдулов И.А.²

¹Ташкентский государственный аграрный университет
Узбекистан, 100140, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская, 2
imirabdullayev@umail.uz

²Национальный университет Узбекистана им. Мирзы Улугбека
Узбекистан, 100174 Ташкент, ул. Университетская, 4

Если раньше в основу построения системы ложили сходство и уровень сложности строения организмов, то в последние десятилетия биологическая систематика стала фактически полностью филогенетической – учитывает только родство организмов. Просто сходство (отчасти приобретаемое в результате конвергентной или параллельной эволюции) современная биологическая систематика практически не использует.

Прогресс филогенетики, как и любой науки, связан с техническими достижениями. Начиная с 1960-х гг. с внедрением в биологические исследования ультраструктурных методов с помощью электронного микроскопа, началась перестройка системы низших эукариот – протистов (простейших и водорослей). Одни прежние таксоны разделялись, и объединялись с другими.

Со второй половины 1980-х гг. в систематику начали внедряться молекулярные методы – сравнение последовательностей генов рРНК и некоторых белков (сравнительная геномика). Молекулярные признаки многочисленны, их легко формализовать, а обработку автоматизировать,



многие бесспорно гомологичны во всех типах или даже у животных и бактерий.

Методология последних достижений достаточно характерна: первую скрипку тут играет молекулярная филогенетика – сравнение последовательностей рибосомных РНК и десятков достаточно универсальных белков (тубулины, актины и др.) и конструирование по ним с помощью компьютерных программ «филогенетических древ». Для дальнейшего осмысления и обоснования, выявленных таким образом филогенетических ветвей затем привлекаются ультраструктурные и биохимические данные.

Вкратце охарактеризуем выделяемые супертаксоны.

1. Opisthokonta (заднежгутиковые) включают животных, грибов, микроспоридий, Ichthyosporea, воротничковых жгутиконосцев Choanoflagellata.

2. Excavata представлены, главным образом, 2 группами – Discicristata (эвгленовые, трипаносомы, акразиевые и др.) и Polymastigota (лямблия и др.).

3. Archaeplastida объединяют одноклеточные, колониальные и многоклеточные растительные формы: глаукофитовые, красные, зеленые и харовые водоросли, а также происшедшие от последних высшие растения.

4. Amoebozoa (амебоидные) – одноклеточные и синцитиальные фаготрофные протисты: голые и раковинные амёбы, миксомицеты Mycetozoa.

5. Stramenopiles («волосожгутиковые») – многоклеточные бурые, одноклеточные диатомовые, золотистые, желто-зеленые, хлоромонадовые водоросли, грибоподобные оомицеты, гифохитриевые, лабиринтулы, бесцветные жгутиковые опалиниды и Vicosoecida, солнечники Actinophriida.

6. Alveolata включают фоторофных, фаготрофных и паразитических динофлагеллят, инфузорий, паразитических споровиков Apicomplexa, фаготрофных жгутиконосцев Perkinsida и Colponemida, и фототрофных жгутиконосцев Chromomerida.

7. Rhizaria (корненожки) включают в основном амебоидных синцитиальных протистов: фораменифер, радиолярий, раковинных амёб



Euglyphida, амёбофлагеллят Cercomonada, грибоподобных Plasmodiophoracea, споровиков Harposporidia и фототрофных амёбоидов Chlorarachniophyta.

Stramenopiles, Alveolata и Rhizaria объединяются в супергруппу **SAR**.

Как видим, благодаря, главным образом, молекулярным и ультраструктурным исследованиям, наши представления о системе и родственных отношениях эукариот стремительно и кардинально меняются. Пожалуй, современное состояние в мегасистематике живого можно охарактеризовать не столько как «революция», а как «катастрофа». Но, в любом случае, последние достижения биологии являются настоящим прорывом в нашем глубинном понимании биоразнообразия планеты Земля.

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ F₁ АВЛОДИДА “БИТТА ЎСИМЛИКДАГИ КЎСАКЛАР СОНИ” БЕЛГИСИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ ВА НАВЛАРИНИНГ КОМБИНАЦИОН ҚОБИЛИЯТИ.

Набиев С.М., Чоршанбиев Н.Э., Хамдуллаев Н.Э.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
111226 Ўзбекистон, Тошкент вил., Қибрай тум. Юқори-юз кўрғони

Тадқиқот объекти сифатида *G. barbadense* L. турига мансуб маҳаллий Сурхон-9, Термиз-32, Дуру-Гавхар, Бухоро-7, Сурхон-10 ғўза навлари ҳамда уларнинг навлараро F₁ ўсимликларидан фойдаланилди. Тажрибалар асосида олинган натижалар Б.А. Доспехов (1985) услубида статистик ишловдан ўтказилди. УКҚ самараси Гриффинг (Griffing, 1956) методидан фойдаланиб аниқланди.

Ўрганилган ғўза навлари орасида кўсаклар сони Сурхон-9 ва Термиз-32 навларида энг кўп (25,8 донадан), Дуру гавхар навида эса энг кам (20,8 дона) бўлди. F₁ ўсимликларида энг кўп кўсак тўплаган ўсимликлар F₁ Сурхон10хСурхон-9, F₁ Сурхон10хТермиз-32 ва F₁ Сурхон10хДуру гавхар комбинацияларида (мос равишда 38,8; 33,2; 31,1 дона) қайд этилди. Бундан ташқари, қуйидаги F₁ комбинацияларида ҳам белги кўрсаткичи юқори бўлди:



F₁Термиз-32хСурхон-10 – 32,6 дона, F₁Сурхон-9хТермиз-32 – 32,0 дона, F₁Дуру гавхар х Сурхон-9 – 31,7 дона, F₁Дуру гавхар х Термиз-32 – 29,6 дона, F₁Бухоро-7хСурхон-9 – 29,1 дона, F₁Дуру гавхархСурхон-10 – 28,9 дона. Қуйидаги комбинациялар ўсимликларида эса кўсақлар сони кам эканлиги аниқланди: F₁Бухоро-7хДуру гавхар-20,8; F₁Бухоро-7хСурхон-10-22,4 дона ва F₁ Сурхон-9хДуру гавхар-22,5 дона.

Ушбу белги 20 та F₁ комбинацияларидан 15 тасида ижобий ўта устунлик, 1 та комбинацияда паст кўрсаткичли навнинг тўлиқ устунлиги, 1 та комбинацияда юқори кўрсаткичли навнинг тўлиқ устунлиги, 2 тасида юқори кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги, 1 комбинацияда паст кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги ҳолатида ирсийланди. Шундай қилиб, битта ўсимликдаги кўсақлар сони белгиси F₁ комбинацияларида асосан, ижобий гетерозисли ўта устунлик ҳолатида ирсийланди. Сурхон-9 навининг Термиз-32, Дуру гавхар, Бухоро-7 ва Сурхон-10 навлари билан; Термиз-32 навининг Дуру гавхар нави билан; Дуру гавхар навини Бухоро-7 ва Сурхон-10 навлари билан ва Бухоро-7 навини Сурхон-10 нави билан чапиштириб олинган тўғри ва тескари F₁ комбинацияларида белги кўрсаткичи бўйича ўзаро фарқ борлиги аниқланди. Бу ҳолат битта ўсимликдаги кўсақлар сони белгисининг ирсий бошқарилишида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генлар ҳам иштирок этишини кўрсатади.

Олинган рақамли кўрсаткичларнинг статистик дисперсион таҳлили бўйича таҳлил 11 та комбинацияда белги бўйича гетерозис самараси борлигини ва бунда гетерозис даражаси Дуру гавхархБухоро-7 комбинациясида 110,3% дан Сурхон-10хСурхон-9 комбинациясида 150,4% гачани ташкил этишини кўрсатди. Гетерозиснинг юқори даражаси F₁ Сурхон-10хДуру гавхар (142,7%), F₁ Дуру гавхархСурхон-10 (132,6%), F₁ Сурхон-10хТермиз-32 (128,7%) ва F₁ Термиз-32хСурхон-10 (126,4%) комбинацияларида қайд этилди.



Битта ўсимликдаги кўсаклар сони бўйича навларнинг УҚҚнинг юқори ижобий самарасига Термиз-32 нави ($\hat{g}_i=3,05$), нисбатан паст самарасига Сурхон-9 ($\hat{g}_i=0,22$) навлари эга бўлдилар.

Шундай қилиб, тадқиқотлармиз Термиз-32 навидан битта ўсимликдаги кўсаклар сони кўп бўлган навларни яратишда донор сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди.

Навларнинг УҚҚ смараси ва ўҚҚ вариансалари таққосланганда, Сурхон-9, Дуру гавхар ва Сурхон-10 навларида белгининг назоратида ($y^2_{si}>y^2_{gi}$) ноаддитив генлар таъсири муҳим рол бажариши, Термиз-32 ва Бухоро-7 навларида эса белги аддитив генлар ($y^2_{si}<y^2_{gi}$) таъсирида бошқарилиши аниқланди. Олиб борган кўп йиллик тадқиқотларимиз натижасида ингичка толали янги тезпишар ҳосилдор “Марварид” нави яратилиб, 2018 йилдан Давлат нав синаш шаҳобчаларида синалмоқда.

***G.HIRSUTUM* L. ТУРИ НАВ НАМУНАЛАРИНИНГ СУВ ТАНҚИСЛИГИГА БАРДОШЛИЛИГИНИ ЎРГАНИШДА ДУРАГАЙЛАШ МУДДАТЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ**

Санаев Н.Н.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
111226 Ўзбекистон, Тошкент вил., Қибрай тум. Юқори-юз қўрғони.

Sanaev.nor@yandex.ru

Ўзанинг сув танқислигига бардошлилигини ошириш муаммосини ечиш йўлларидан бири, унинг ушбу шароитларга мослашиш имкониятларини кенгайтириш, яъни қурғоқчиликка чидамли навларни яратишда генотип ва ташқи шароит омилларининг боғлиқлигини ўрганиш, унинг генетик хусусиятиларининг механизмларини очиб бериш лозим бўлади [1]. Бунда ноқулай ташқи омиллар таъсирида бўлган турлича белги ва хусусиятларга эга ғўза ўсимликлари устида дурагайлаш олиб бориш катта аҳамият касб этади.

Сув танқислиги шароитида ғўзанинг ҳосил шохлари – симподиал шохларининг тип ва кенжа типлари қимматли хўжалик аҳамиятига эга



белгилар қаторига кириб, унинг ирсийланиш ва ривожланишининг конуниятларини ўрганиш ўта муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотлар 2014-2016 йиллар давомида Институтимизнинг “Дурмон” тажриба базасида олиб борилди. Сув танқислигига турлича чидамли бўлган ва морфологик белгилари бўйича бир-биридан фарқланувчи *G.hirsutum* L. турига мансуб ўрта толали 10 та ғўза навлари (Навбахор-2, Гулбахор-2, АН-Баёвут-2, Тошкент-6, Бухоро-6, Омад, Армуғон-2, Нурафшон, Илғор ва Келажак) ўзаро реципрок чатиштириш орқали олинган 81 та дурагай комбинациялар ота-она шакллари билан ёнма-ён экилиб, улар устида фенологик кузатишлар олиб борилди. Кузатишлар давомида уларининг ҳосил шохларининг типларига эътибор қаратилган ҳолда, F_1 дурагай комбинациялар устида F_v беккросс чатиштириш олиб борилди.

Тажрибада ғўза ҳосил шохлари бўйича яққол фарқланиш июл ойининг учинчи ўн кунлигига тўғри келганлиги учун чатиштириш ишларини 25.07.2015 дан 11.08.2015 гача муддатларда олиб борилди. F_v беккросс чатиштириш учун 162 та комбинация ва ҳар бир комбинация учун 5 тадан гул чатиштирилди. Лекин, 2015 йилнинг июл ойи охирларида кузатилган ҳаво хароратининг юқори (42°C дан юқори) ва ҳаводаги намликнинг пасайиб кетиши (10 % дан ҳам паст) натижасида F_v беккросс чатиштиришнинг атига 136 та дурагай кўсақларни олишга тўғри келинди.

2016 йилда F_v беккросс чатиштиришдан олинган барча дурагай кўсақлар пахтаси ва чигити бўйича хўжалик белгилар ўрганилиб, ҳар бир дурагай кўсақдан олинган чигитлар 6 та уяларга алоҳида қаторларга экиб чиқилди ва уларнинг унувчанлиги аниқланди.

Экилгандан сўнг бир ҳафтадан кейинги унувчанлиги бўйича кузатув натижаларига кўра дурагай комбинацияларнинг фақат 20 таси (14,71%), 12 кундан сўнг 93 таси (68,38%), ундан тўлиқ униб чиққанлари 35 та (37,64%) ни ташкил этди. Айниқса унувчанлиги энг юқори даражада F_v (Гулбахор-2 х Армуғон-2) х Гулбахор-2; F_v (Келажак х Навбахор-2) х Келажак; F_v (Навбахор-



2 x АН-Боёвут-2) x Навбахор-2; F_v(Навбахор-2 x Армуғон-2) x Армуғон-2 дурагай комбинацияларда кузатилди.

Дурагай чигитларининг унувчанлигининг паст бўлганлигини таҳлил қилиб чиқилганда унинг чатиштириш саналарига эътибор қаратилди, бунда август ойининг бешинчисидан кейин чатиштириб олинган 22 та дурагай комбинациянинг 18 таси униб чиқмади, қолган 4та дурагай комбинациядан ҳам 1-2 та уядан биттадан чигит униб чиқди. Июл ойининг 25 дан 30 гача олиб борилган чатиштириш натижасида олинган дурагай кўсакларининг 80-90% чигити униб чиқди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ғўзанинг сув танқислигига чидамлилигини ўрганиш бўйича олиб бориладиган чатиштириш ишларини август ойига қолдирмасдан амалга ошириш керак бўлади.

Фойданилган адабиётлар

1. Санаев Н.Н., Юнусхонов Ш. Ғўзанинг турлараро дурагайлаш асосида олинган биотипларида сув танқислигига чидамлилиги/ O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining ma'ruzalari.-Тошкент, №6.2016. – 92-95 Б.

РАСШИРЕНИЕ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ИДЕНТИФИКАЦИИ ОТДЕЛЬНЫХ ХРОМОСОМ ХЛОПЧАТНИКА С ПОМОЩЬЮ МЕТОДОВ ЦИТОГЕНЕТИЧЕСКОГО И МОЛЕКУЛЯРНО- ГЕНЕТИЧЕСКОГО АНАЛИЗА

Санамьян М.Ф., Бобохужаев Ш.У.

Национальный университет Узбекистана,
Ташкент, Вузгородок, Университетская -4, Биологический факультет.

sanam_marina@rambler.ru

Как известно, использование транслокационных линий тестерного набора, полученных в США, и молекулярно-генетических маркеров, разработанных в Институте геномики и биоинформатики АН РУз, позволяет проводить унифицированную идентификацию унивалентных хромосом у моносомных линий Цитогенетической хлопчатника НУУз. Осуществление такой параллельной работы на протяжении ряда последних лет позволило достичь определенных успехов. Так, анализ конъюгации хромосом у гибридных



моносомиков, полученных от скрещивания моносомных линий (НУУз) с транслокационными линиями (США) выявил 35 вариантов, у которых были обнаружены общие хромосомы.

Так, в пяти скрещиваниях моносомной линии Мо11 была обнаружена конъюгация в виде 24 бивалентов и одного тривалента, указавшая на гомологичность моносомы и одной из хромосом в обмене. Поскольку во все транслокации (**TT2L-3Lb**, **TT2R-3La**, **TT2R-8Ra**, **TT2R-8Rb**, **TT2R-14R**), участвовавших в пяти скрещиваниях, была вовлечена одна общая хромосома 2, можно утверждать, что унивалентная хромосома у линии Мо11 является хромосомой 2 At –субгенома хлопчатника.

Схожая ситуация наблюдалась при изучении гибридных моносомиков при скрещивании моносомных линий Мо16 и Мо19, где в четырех и пяти вариантах скрещиваний, соответственно, была обнаружена конъюгация в виде 24 бивалентов и одного тривалента. Так как в транслокациях, участвовавших в скрещиваниях, всех изученных девяти гибридных вариантов была вовлечена хромосома 2, можно утверждать, что унивалентная хромосома у линий Мо16 и Мо19 является хромосомой 2 At –субгенома хлопчатника.

Моносомные линии Мо31, Мо70, Мо72 и Мо75 в двух вариантах скрещиваний – с линиями **TT4L-19R** и **TT4R-15L** имели конъюгацию в виде 24 бивалентов и одного тривалента, что указало на гомологичность моносомы у этих линий с одной из хромосом в обменах. Так как в две транслокационные линии была вовлечена одна общая хромосома 4, можно утверждать, что унивалентные хромосомы у линий Мо31, Мо70, Мо72 и Мо75 являются хромосомой 4 At –субгенома хлопчатника.

Другие пять моносомных линий – Мо7, Мо60, Мо69, Мо71 и Мо73 имели общие хромосомы с одной из двух линий **TT4L-19R** и **TT4R-15L**, включивших хромосому 4. Поскольку, ранее проведенное молекулярно-генетическое исследование указало на нехватку по хромосоме 4, можно утверждать, что моносомы у всех этих линий - гомологичны хромосоме 4 At –субгенома.



При изучении моносомных линий Мо13 и Мо67 в трех и одном, соответственно, вариантах скрещиваний была обнаружена конъюгация в виде 24 бивалентов и одного тривалента, Поскольку в транслокации у всех транслокационных линий (**ТТ3L-6L**, **ТТ6L-7L**, **ТТ6L-10R**) была вовлечена одна общая хромосома 6, можно утверждать, что унивалентная хромосома у линий Мо13 и Мо67 является хромосомой 6 At –субгенома хлопчатника. Последнее было подтверждено молекулярно-генетическим анализом.

Изучение моносомных гибридов с участием линии Мо27 обнаружило в четырех вариантах скрещиваний - **Мо27хТТ1L-7L**, **Мо27хТТ7L-12R**, **Мо27хТТ7R-11R** и **Мо27хТТ7R-21R** конъюгацию в виде 24 бивалентов и одного тривалента, что указало на гомологичность моносомы и хромосомы 7, поскольку в четыре транслокационные линии была вовлечена одна общая хромосома 7 At –субгенома хлопчатника, однако молекулярно-генетические исследования не смогли подтвердить эти данные. Кроме того, несоответствие цитогенетических и молекулярно-генетических результатов наблюдалось также при изучении линий Мо79 и Мо90. Причины такого несоответствия требуют дальнейшего изучения.

PHYLOGENETIC ANALYSIS OF THE 16S rRNA GENE OF NODULE BACTERIA STRAINS SOYABEAN

Umarov Bakhtiyor

Center of Genomics and bioinformatics AS RUz
111215, Uzbekistan, Kibray district, University str. 2
b.r.umarov@mail.ru

Legumes are an important component of all agricultural legume systems because of the nitrogen fixation provided by their bacterial symbionts, the rhizobia. The successful spread of legume crops depends critically on the availability of compatible rhizobia. The nature of the symbiosis was first understood at the end of the 19th century, and since then a number of crops have been introduced to new areas with the help of rhizobial inoculants.



The Categorization, nomenclature and identification are an interconnected area to taxonomies. The Categorization realizes distribution an organism on taxonomic group in accordance with their resemblance. The Nomenclature gives the taxonomic group of the name in accordance with international rule. The identification - a process of the determination that, in what from revealed earlier groups enters new isolate.

All new isolates of *Bradyrhizobium japonicum* and *Sinorhizobium fredae* were obtained from the root nodules of *Glycine max* growing in the different regions of Tashkent district were growing soybean. All bacteria were subcultured in YMA medium (Vincent, 1970) and were used for growing the bacteria and for harvesting the cells. DNAs were isolated and purified by the method described by Marmur (1961). DNA base composition was determined spectrophotometrically as described by De Ley (1970).

16S rRNA gene sequencing was obtained using universal primers 1070f (59-ACGGGCGGTGTGTAC-39) and 1392r (59-CGCCCCGCCGCGCCCCGCGCCCCGCCCGCCCGCCCCCGCCCC-ACGGGCGGTGTGTAC-39). Each PCR mixture contained the following: 10 pmol each primer, 200 μ M dNTPs, 1U Tag DNA polymerase, 100-200 ng genomic DNA and Taq polymerase buffer in a final reaction volume of 50 μ l. The DNA thermal cycler used for PCR amplification was programmed as follows: an initial extensive denaturation step at 94°C for 5 min; 30 cycles of 94°C for 1 min, 53°C for 1 min and 72°C for 1.5 min; and a final extension step at 72°C for 10 min. PCR-amplified 16S rRNA gene from isolates with size 302-343-bp were sequenced. Alignment of the sequences obtained and related sequences from the GenBank database were performed using the RDP program (Maidak *et al.*, 1999). The method of Jukes & Cantor (1969) was used to calculate the distances among the aligned sequences.

Sequence analysis of 16S rRNA gene were shared 99,2% 16S rRNA gene sequence similarity with of *Rhizobial* strains. Results of BLAST-analysis for sequence of 16S rRNA gene of bacteria showed that studied bacteria were related to [Alphaproteobacteria](#) and [Betaproteobacteria](#) classes. The nucleotide sequence of



16S rRNA gene of T-1, T-2, T-3, T-4 strains matched by 96-99,7% together with analogous genes of *Bradyrhizobium japonicum* sp; the sum of genes of T-4, T-5, bacteria were identical by 89-97% to nucleotide sequences another nodule bacteria genes. On phylogenetic tree the studied bacteria could be grouped into 4 clusters. It may conclude from obtained results that nucleotide sequences of 16S rRNA gene of studied bacteria that were highly identical between themselves within group and also bacteria isolated from each correspondent leguminous host plant were related to both *Alpha* class and *Betaproteobacteria* class.

The Result of such feature are a taxonomic schemes, which, at least once, in some cases, reflect natural evolution relations. The Benchmark analysis DNA and gene products (molecular system) can be used for development of phylogenetic systems to categorizations. The Taxonomy there is theory and practice to categorizations of the different groups, used for integer of the identifications.

ПРИЧИНЫ ДОЛГОЛЕТИЯ

Шукруллозода Р.Ш.

Самаркандский Государственный Университет,
факультет биологии и химии, направление биологии
140104, Узбекистан, г. Самарканд. Факультет биологии. Ул. Шохрух Мирзо.

Изучение продолжительности жизни человека на научной основе впервые было начато в XVII веке английским астрономом Эдмундом Галлеем. Кривые смертности их отличаются только временной характеристикой. У человека значительная часть смертей наступает независимо от возраста. У. Мейкем в 1860 году. Данные, опубликованные ООН, о средней продолжительности предстоящей жизни в странах Западной Европы в середине нашего века показали, что наиболее высокая средняя продолжительность жизни отмечается в Нидерландах, Швеции, Швейцарии. Существенное значение в механизмах, определяющих различную продолжительность жизни, имеют особенности генетического аппарата. Хромосомы - нитевидные, сложно организованные структуры,



расположенные в клеточном ядре. В них заключены факторы наследственности - гены. У самцов и самок существуют различия в наборе хромосом. Фактор пола локализован в специальных X- и Y- хромосомах. В животном мире самки имеют две одинаковые (XX) хромосомы, у самца - две неодинаковые хромосомы (XY) или же одна половая хромосома (XO). Подобная ситуация и у человека. Можно предполагать, что различие в структуре хромосом в какой-то мере генетически предопределяет некоторые биологические возможности различных полов. Наличие двух хромосом X у женщин, по-видимому, увеличивает надежность определенных механизмов в течение жизни. Существует предположение, что с добавочной хромосомой, отсутствующей у мужчин, связана большая надежность работы генетического аппарата у женщин, их жизнеспособность, большая продолжительность жизни.

С давних времён якуты отличаются долголетием. Об этом говорят литературные источники. Журнал "Северный архив" (Санкт-Петербург) в июле 1822 года сообщал: "Якуты долголетни и одарены крепким сложением; столетних старцев между ними находится множество. Они весьма трудолюбивы".

